



ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ БЎЛИНМАЛАРИ УЧУН КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА БУЮК БРИТАНИЯ ПОЛИЦИЯСИ ТАЖРИБАСИНИНГ ИЛМИЙ ТАҲЛИЛИ

Шарипов Санжар
Собирович

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Академияси мустақил изланувчиси, юридик
фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
E-mail: 5760slash@gmail.com

Annotatsiya

Жаҳоннинг турли шаҳарларида тинчликни қўриқлаётган давлат ва хусусий орган ходимлари фаолиятининг ҳуқуқий, ташкилий-тактик, моддий-техник, методик ва кадрлар билан таъминоти бевосита, мамлакатларнинг тарихий ривожланиши, ҳуқуқий тизим, давлат бошқаруви, технологик ривожланиши ва ҳаттоки аҳолининг ушбу фаолиятдаги иштироки билан ҳам фарқланади. Шу сабабдан, ҳар бир давлат ўзига хос тажрибага эга бўлиб, уларнинг энг илғорлари ўрганилади.

Kalit so'zlar полиция, кадрлар тайёрлаш, бошланғич тайёрлаш, махсус тайёрлаш, қайта тайёрлаш, раҳбар кадрларини тайёрлаш, патрулик хизмати, жамоат тартибини сақлаш.

НАУЧНЫЙ АНАЛИЗ ОПЫТА ПОЛИЦИИ ВЕЛИКОБРИТАНИИ ПО ПОДГОТОВКЕ КАДРОВ ДЛЯ ПОДРАЗДЕЛЕНИЙ ОХРАНЫ ОБЩЕСТВЕННОГО ПОРЯДКА

Шарипов Санжар Собирович,
Самостоятельный соискатель Академии
Министерство внутренних дел Республики
Узбекистан доктор философии (PhD)
по юридическим наукам, доцент
E-mail: 5760slash@gmail.com

Аннотация: Правовое, организационно-тактическое, материально-техническое, методическое и кадровое обеспечение деятельности сотрудников государственных и частных органов, охраняющих мир в различных городах мира, напрямую зависит от исторического развития стран, их правовой системы, государственного управления, технологического развития и даже участия населения в этой деятельности. Поэтому каждая страна имеет свой уникальный опыт, и изучаются самые передовые из них.

Ключевые слова: полиция, подготовка кадров, начальная подготовка, специальная подготовка, переподготовка, подготовка руководящих кадров, патрульная служба, охрана общественного порядка.

SCIENTIFIC ANALYSIS OF THE BRITISH POLICE EXPERIENCE IN TRAINING PERSONNEL FOR PUBLIC ORDER MAINTENANCE UNITS

Sanjar Sharipov

Researcher of the Academy of Sciences
of the Republic of Uzbekistan, Doctor of
Philosophy (PhD) in Law, Associate Professor
E-mail: 5760slash@gmail.com

Annotation: The legal, organizational-tactical, material-technical, methodological, and personnel support for state and private entities protecting peace in various cities worldwide differs directly based on countries' historical development, legal systems, public administration, technological advancement, and even public participation in these activities. Consequently, each country has its unique experience, with the most advanced practices being studied.

Keywords: police, personnel training, basic training, specialized training, retraining, leadership development, patrol service, maintenance of public order.

Дунёнинг аксарият мамлакатларидаги полициячилар одатда бир хил кўринишга эга туюлади: яъни ёрқин кўк ва қизил чироқлар (мигалкалар), “Police” сўзи эса турли хил миллий шаклларда “Polizei”, “Милиция”, “Пулизижа” кўринишида ишлатиши билангина фарқланиши кўзга ташланади [20]. Аслида эса ундай эмас, дунёнинг турли шаҳарларида тинчликни қўриқлаётган давлат ва хусусий орган ходимлари фаолиятининг ҳукуқий, ташкилий-тактик, моддий-техник, методик ва кадрлар билан таъминоти бевосита, мамлакатларнинг тарихий ривожланиши, ҳукуқий тизим, давлат бошқаруви, технологик ривожланиши ва ҳаттоки аҳолининг ушбу фаолиятдаги иштироки билан ҳам фарқланади. Шу сабабдан, ҳар бир давлат ўзига хос тажрибага эга бўлиб, уларнинг энг илғорлари ўрганилади.

Бирлашган Қиролликда полиция институтларини айниқса, ушбу соҳа кадрлари билан ишлаш ва уларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш борасида замонавий талабларга жавоб берадиган кўплаб янгиликлар фаол қўллаб-қувватланиб, ривожлантирилиб келинмоқда [2, Б.141].

Буюк Британия ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари учун кадрлар тайёрлаш жараёнида таълим олиш ҳукуқини амалга оширишнинг ҳукуқий ва педагогик хусусиятларини ўрганган олимлар Ш.М. Нурадинов ва М.Н. Касаткиннинг фикрича, Буюк Британия каби ҳукуқий давлатда полиция фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилади, жамият назорати остида бўлади ва унинг ишончини қозонади, полиция ходимининг касби жамиятда ҳурматли ва обрўли ҳисобланади.

Буюк Британия полиция тузилмасининг марказлаштирилмаганлиги ҳамда ҳар бир ҳудуднинг ўз полициясига эгаллиги, турли жамоаларнинг ўзига хос эҳтиёжларига мос келадиган янада самарали тартибни сақлаш стратегияларини ишлаб чиқиш имконини беради [3].

Шу сабабдан ҳам, Ғарбий Европанинг илғор мамлакатларидан бири бўлган Буюк Британия тажрибасини ўрганиш катта қизиқиш уйғотади [4, Б.28]. Бу борада олимларнинг фикрини қўллаб қувватлаган ҳолда айтиш мумкинки, полиция кадрлари билан ишлаш ва уларни тайёрлаш борасида замонавий стандартларга эга бўлган ва бир қатор тадқиқотчи ҳамда мутахассислар томонидан эътироф этилаётган Буюк Британия тажрибасини ўрганиш ва натижаларни миллий тизимга жорий этиш, Янги Ўзбекистон шароитида ислоҳ этилаётган ички ишлар органлари фаолиятини замонавий кадрлар билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Британия полицияси учун кадрларни **тайёрлаш**нинг аниқ тизими ишлаб чиқилган бўлиб, қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

хизматнинг дастлабки икки йили давомида амалга ошириладиган янги қабул қилинган констебллар (оддий полициячилар) учун **бошланғич тайёрлаш**; жинойт қидирув ва йўл ҳаракати хизматларига номзодлар учун **махсус тайёрлаш**;

сержантлар ва полиция инспекторларини **қайта тайёрлаш**;

полиция **раҳбар кадрларини тайёрлаш**.

Бошланғич тайёргарлик дастури 20 дан ортиқ ўқув модулини ўз ичига олади ва тўртта таълим босқичига бўлинган. Дастлабки тайёргарликнинг умумий муддати икки йил бўлиб, янги қабул қилинганларнинг бутун синов муддатини қамраб олади.

Дастлабки тайёргарлик жараёнида қуйидаги мақсадларга эришиш назарда тутилади: жамиятда полиция фаолиятининг мақсадларини тушуниш; самарали мулоқот кўникмаларини шакллантириш; ўз хатти-ҳаракатларига ишончни ривожлантириш; миллий касбий стандартларга мувофиқ полиция констебли вазифасини бажариш учун касбий компетентлик ва зарур малакани шакллантириш; хизмат қиладиган бўлинмаларда касбий фаолиятнинг аниқ шарт-шароитларига тайёргарлик кўриш ҳамда бўлинмаларнинг сиёсати ва тартиб-қоидаларини чуқурроқ тушуниш.

Бошланғич таълим маҳаллий полиция бўлинмаларида ҳамда уларнинг ўқув марказлари ёки полиция коллежларида ўтказилади. Маълум босқичларда таълим фуқаролик университетлари ва коллежларида ўтказилиши ҳам мумкин. Ўқув жараёнига тажрибали полиция зобитлари ва хизматчилари, университет ва коллеж ўқитувчилари, турли мутахассислар ва жамоатчилик вакиллари жалб этилади.

Тайёргарликнинг биринчи босқичи (икки ҳафтадан беш ҳафtagача) – “Полиция фаолиятига кириш” модули асосида амалга оширилади. Ушбу босқичда янги қабул қилинганлар полиция фаолиятини ташкил этиш, полиция стратегияси, жамоат хавфсизлиги, инсон ҳуқуқларига риоя қилиш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, шахсий хавфсизлик, полиция фаолиятида ахборот технологиялари ва алоқа воситаларидан фойдаланиш асосларини ўрганадилар.

Тайёргарликнинг иккинчи босқичи (икки ҳафтадан тўрт ҳафтагача) – “Жамоат хавфсизлиги ва ҳамкорлик” деб номланган ўқув дастури асосида ташкил этилади. Ушбу босқичда ўқувчилар аҳоли, турли ижтимоий гуруҳлар, жумладан муаммоли гуруҳлар билан мулоқот қилиш асосларини, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш усуллари, полиция кучларининг тезкор фаолияти билан боғлиқ айрим жиҳатларни ўрганадилар. Босқич имтиҳонлар топшириш билан якунланади.

Тайёргарликнинг учинчи босқичи (28 ҳафтагача) – “Полициянинг асосий кўникмалари” деб номланган модуль асосида олиб борилади.

Бу босқич таълимнинг асосий қисми ҳисобланади. Таълимнинг бир қисми ўқув марказларида, бир қисми эса (камида 7 ҳафта) полиция бўлинмаларида ўтказилади. Ўқув марказларидаги машғулотларда тингловчилар қонунчилик ва полиция тартиб-қоидалари, полиция фаолияти тактикаси асослари, жиноятларнинг олдини олиш ва тергов қилиш усуллари, полициячининг ҳуқуқ-атвор қоидалари ва полиция ишининг бошқа жиҳатларини ўрганадилар.

Маъруза ва семинар машғулоти оддий полициячи ишлаши учун зарур бўлган билимларни бериш мақсадида ташкил этилган. Бунда назарий таълим ҳақиқий вазиятларга яқин шароитларда амалий машғулотлар билан биргаликда олиб борилади. Ностандарт вазиятлардан моҳирона чиқиш ўйинлари, вазиятли ўқитиш, касбий фаолият шароитларини моделлаштириш кенг қўлланилади.

Назарий машғулотлар тугагандан сўнг, янги ходимлар махсус тайёргарликдан ўтган ходимлар ва тажрибали мураббийлар раҳбарлигида полиция бўлинмасида **патруль хизмати** амалиётини ўташади. Бу ерда улар маҳаллий қарорлар, буйруқлар, йўриқномалар ва бошқа ҳужжатлар ҳақида қўшимча маълумот оладилар. Амалиётдан олдин ўқувчилар имтиҳон топширишади ва фақат муваффақиятли топширгандан кейингина патруль хизматига қўйилади.

Тайёргарликнинг тўртинчи босқичи (қолган барча вақтни қамраб олади ва тахминан бир ярим йил давом этади) – “Мустақил патруль хизмати” деб аталади. Янги ходимлар ўзлари хизмат қиладиган бўлинмаларга йўналтирилиб, патруль-пост хизмати ходими сифатида мустақил ишлашни бошлайдилар ва амалиётда ўз билимларини оширадилар.

Кўриш мумкинки, хизматга қабул қилинган барча номзодлар икки йиллик бошланғич тайёргарлик даврининг асосий қисмини патруллик хизматини мустақил амалга ошириш орқали ўтказадилар. Бу шуни англатадики, Британия полициясига хизматга кирувчи барча номзодлар ўз фаолиятларини даставвал патруллик хизматидан бошлайдилар.

Бироқ, ўрганишлардан кўриш мумкинки, бу улар тўлиқ мустақил ҳаракат қиладигани эмас. Бутун давр мобайнида улар тажрибали мураббийлар назорати остида бўлиб, улардан зарур ёрдам оладилар. Янги ходимларнинг хизматдаги ютуқлари катта полиция бошлиқлари томонидан бутун синов даври мобайнида махсус йиғма-жилдларда қайд этиб борилади. Улар ҳам келгусида полицияда ишлашга яроқли эканлиги ҳақида ҳулоса беришади. Тайёргарликнинг ушбу босқичида ўқувчилар ўқув марказларида турли давомийликдаги (бир неча ҳафтагача) қўшимча назарий тайёргарликдан ўтадилар.

Тайёргарлик дастури малака имтиҳонларини топшириш билан якунланади. Малака имтиҳонларини муваффақиятли топширган шахслар полиция хизматига констебллар сифатида қабул қилинади.

Шундай қилиб, британиялик полициячиларнинг бошланғич касбий тайёргарлиги аниқ амалий йўналишга эга. Тайёргарлик дастурининг умумий вақтининг 75 фоизи амалий фаолиятга ажратилади, чунки Буюк Британияда амалий иш кўникмаларини сингдириш полициячиларни ўқитишнинг асосий вазифаси сифатида белгиланган.

Ўқишни тугатгандан сўнг, битирувчилар мулоқот қилиш, мулоҳаза юритиш, мантикий фикрлаш, суҳбатдошни тинглаш, хушмуомала ва одобли бўлиш, мурожаатларга тўғри ёндашиш ва шахслар билан алоқа ўрнатиш, ишонч уйғотиш, гувоҳларни сўроқ қилиш каби кўникмаларга эга бўлишлари керак. Бундан ташқари, полициячи хизматни ўташ учун зарур бўлган ҳажмда қонунчиликни, полиция фаолияти тактикасини, криминалистик техника асосларини ҳам билиши лозим.

Синов муддатидан муваффақиятли ўтгандан сўнг, полициячилар турли бўлинмаларда хизматни давом эттиришлари мумкин. Бунинг учун уларга кенг имкониятлар тақдим этилади. Улар келгусида жиноят қидирув, йўл полицияси, кинология хизмати, денгиз ва дарё полицияси каби хизматларда ишлашлари мумкин.

Ҳар бир полиция бошқармасида полициячиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш масалалари билан шуғулланувчи бўлимлар мавжуд бўлиб, уларнинг вазифасига бошланғич ўқув курсини ўтаган полициячиларнинг кейинги ўқишини ташкил этиш, шунингдек, ҳар бир полиция участкаси констеблларини тезкор вазиятнинг ўзига хос хусусиятлари, хизмат амалиёти, маҳаллий полиция фаолиятига тааллуқли қонунлар ва қарорлар билан тўлиқ таништириш киради.

Оддий полициячиларда хизмат поғонасидан кўтарилиш учун ҳам катта имкониятлар мавжуд. Сержант унвонини олиш учун оддий констебл малака имтиҳонини топшириши керак. Имтиҳон топшириш пайтида унинг полициядаги хизмат стажи камида уч йил бўлиши лозим. Бунда у охирги икки йил давомида интизом бузилишига йўл қўймаслиги керак.

Сержантликдан инспекторликка кўтарилиш учун охирги икки йиллик хизмат давомида интизомий жазо олмаганлиги ва ташқи хизматда камида бир йил ишлаган бўлиши талаб этилади. Бундан ташқари, тегишли малака имтиҳонини топшириш керак. Шундай қилиб, сержант унвонини уч йилдан кейин, инспектор унвонини эса беш йиллик хизматдан кейин олиш мумкин.

Инспектордан ва ундан юқори лавозимларга кўтарилиш одатда полиция бошқармаси раҳбарияти томонидан амалга ошириладиган танлов орқали белгиланади.

Бўлажак полиция бўлинмалари раҳбарларини тайёрлаш учун Юқори салоҳиятни ривожлантириш дастури (High Potentia Development Scheme, HPDS) ишлаб чиқилган.

Ушбу дастур полиция касбини танлашга интилаётган шахсларни ўқитиш ва қўллаб-қувватлашни кўзда тутди.

Британия қонунчилиги ҳар бир кишига полицияда хизмат қилиш учун зарур бўлган касбий таълимни танлов асосида олиш имкониятини кафолатлайди. Буюк Британия олий ўқув юртларининг аксарияти пуллик асосда таълим хизматларини кўрсатади. Бироқ, давлат идоравий ихтисослаштирилган полиция ўқув муассасаларини молиялаштиради (*Бремишллдаги раҳбар ходимлар полиция коллежи, Р. Пил номидаги ўқув маркази, Шимолий Ирландия полиция коллежи, Шотландия полиция коллежи ва бошқалар*) ва давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ўқувчиларни моддий қўллаб-қувватлайди.

Ўз мазмунига кўра, ўқув дастурлари фуқаролик таълим муассасаларининг ўқув дастурларига имкон қадар яқинлаштирилган. Ҳуқуқшуносликни ўрганиш билан бир қаторда социология, иқтисодиёт, умумий тарих, адабиёт, чет тиллари каби фанларни ўрганиш кўзда тутилади [4].

Британия полиция кадрларини тайёрлашнинг идоравий таълим тизими давлат аттестацияси, аккредитация ва лицензиялаш институтлари орқали умуммиллий ва халқаро, энг аввало, Европа таълим маконига интеграциялашган.

Идоравий ихтисослаштирилган полиция таълим муассасаларида ўқиш орқали тингловчи ва курсантлар таълим олиш ҳуқуқини амалга оширишнинг қўшимча кафолатларига эга бўладилар: ўз маблағлари эмас, балки, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ўқиш; стипендиялар ва моддий қўллаб-қувватлашнинг бошқа шакллари олиш; кутубхона ва бошқа ахборот фондларидан бепул фойдаланиш; олий таълим муассасалари инфратузилмасидан (ўқув хоналари, жисмоний тарбия ва спорт иншоотлари, лабораториялар, концерт заллари, соғломлаштириш муассасалари ва бошқалар) бепул фойдаланиш; яшаш учун ўқув юртлари ётоқхоналаридаги турар жой майдонларидан бепул ёки имтиёзли асосда фойдаланиш.

Британияда полициясига хизматга кириши учун номзодлар ҳар қандай дастурлар орқали келишидан қатъий назар қуйидаги умумий касбий кўникмаларга эга бўлишлари лозимлаги белгиланган: жамоат хавфсизлиги таъминлаш ва жамоат тартибини сақлашга оид билим; шахсларни хавфсизлигини таъминлаш учун музокара олиб бориш кўникмалари; сабр-тоқат ва стрессли вазиятларда вазминликни сақлаш қобилияти; оғир вазиятларга дуч келган одамлар билан муомала қилиш учун эҳтиёткорлик ва уларни тўғри тушуниш қобилияти; суд жараёнлари ва давлат қонун-қоидаларини ўз ичига олган ҳуқуқий билимлар; мукамал оғзаки мулоқот қобилиятлари; раҳбарлик маҳорати; компьютер ва асосий дастурий таъминот пакетларидан малакали фойдалана олиш.

Британия полиция тизимларида махсус дастурлар асосида таълим олаётган номзодлар бир вақтнинг ўзида ҳам ўқув, ҳам синов муддатини ўтайди. Шунга кўра, констеблларни бошланғич касбий тайёрлаш дастури бўйича ўқитиш якунида, ўқитишнинг бутун муддати давомида махсус йиғма-жилдда қайд этиладиган ходимларнинг малака имтиҳонлари ва амалий фаолияти натижалари ҳисобга олинади.

Полиция тизими учун кадрларни касбий тайёрлашга бундай ёндашувнинг шубҳасиз афзалликлари қуйидагилардан намоён бўлмоқда:

полиция ходимлари хизмат жараёнида зарур бўладиган кенг қамровли касбий билим, кўникма ва малакаларга эга бўладилар;

дастлаб муайян ҳудудий полиция бўлинмасидаги оператив вазият ва хизматнинг ўзига хос хусусиятлари билан танишадилар;

амалий йўналтирилган таълим босқичида дастлабки танловдан ўтган, аммо турли сабабларга кўра полицияда хизмат қилишга тайёр бўлмаган номзодлар қўшимча сараланади;

ёш мутахассисларнинг шахсий ва касбий жиҳатдан ўзаро боғлиқ ривожланиши юз беради.

Британия полициячиларини бевосита ҳуқуқни қўллаш фаолиятида иштирок этишга ўргатиш жараёнида катта эътибор қаратилаётгани, ходимларни тайёрлаш назарияси ва аниқ полиция иши ўртасидаги объектив мавжуд зиддиятни бартараф этиш имконини беради.

Айтиш керакки, бир томондан, Буюк Британияда ҳам мамлакатимизда ҳам ходимлар олдида кенг кўламли хизмат ва жанговар вазифалар туради. Шунинг сабабдан назаримизда полиция ходимларининг базавий тайёргарлиги ҳам ҳуқуқий, умумгуманитар, криминалистик ва бошқа материаллар бўйича жуда кенг қамровли бўлиши керак. Бошқа томондан, курсантлар ва тингловчилар айнан қайси олинган билимлар, қайси хизмат шароитларида уларга керак бўлишини аниқ тушунишлари керак. Бу борада Британия кадрлар тайёрлаш модели мазкур масалаларни ҳал этишга ёрдам бериши мумкин.

Буюк Британия полициясининг раҳбар кадрларини тайёрлаш юқори салоҳиятни ривожлантириш схемаси (High Potential Development Scheme, HPDS) деб номланган дастур бўйича амалга оширилади. Ўқитиш ўқув жараёнини ташкил этишнинг блок-модуль тизими бўйича компетенциявий ёндашув асосида курилади.

Ўрганишларда раҳбар кадрларни тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

таълим олувчиларнинг мустақил ўқув фаолияти ва шахсий масъулиятига урғу бериш;

таълим олувчиларда мавжуд бўлган тажриба ва билимлардан фаол фойдаланиш;

материални ўзлаштириш ва фанлараро алоқаларни ўрнатишга тизимли ёндашув [5].

Умуман олганда Британияда полиция учун кадрлар тайёрлашнинг минтақавий даражадаги таълими ҳам ўзига хос илғор тажрибалардан бири ҳисобланади:

Бу борада айтиш жоизки, Буюк Британияда полиция ходимларининг таълим жараёнини ташкил этиш модели дастлабки тор ихтисослашув билан тавсифланади.

Минтақавий даражада ҳар бир маъмурий ҳудуд бирлигида полициячиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш марказлари мавжуд бўлиб, улар ўз фаолиятини дунёда профессионал полиция таълимини ривожлантиришнинг асосий тенденцияларини ва юқорида кўрсатилган

органларнинг тавсияларини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, кадрлар тайёрлаш минтақавий режасига мувофиқ амалга оширади.

Юқоридаги таҳлиллар ҳамда ўрганишлардан келиб чиққан ҳолда, Буюк Британия полиция кадрларини хизматга тайёрлаш ва қабул қилиш борасида шундай хулосага келиш мумкинки, *биринчидан*, полиция учун кадрлар тайёрлашда соғлом рақобат мавжуд бўлиб, ушбу жараёнда бир қатор таълим муассасалари иштирок этади. Улар тайёрлаган кадрлар тўғридан-тўғри хизматга қабул қилинмайди ва махсус танловлар орқали хизматга қабул қилинади; *иккинчидан*, бошланғич таълимни маҳаллий полиция бўлинмалари ҳамда уларнинг ўқув марказларида ташкил этилиши, номзодларга келгусида фаолият юритадиган маъмурий ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларига мослашиш ва фаолиятга тезда кириб кетиш имконини оширади; *учинчидан*, Британия полициясига хизматга кирувчи барча номзодлар ўз фаолиятларини даставвал патрулик хизматидан бошлаши, уларга келгусида хизмат ўташ, фуқаролар билан муомала қилиш ва турли ностандарт вазиятларда тезкор қарорларини қабул қилиш каби кўникмаларни эгаллаш имконини бериши билан бирга, полиция кўча ва жамоат жойларида жамоат тартибини самарали сақлашда етарли даражадаги куч ва воситаларга эга бўлади; *тўртинчидан*, мутахассис кадрлардан алоҳида маълумотга эга бўлишдан кўра, ахборот оқимларида йўналиш ола билиш, ҳаракатчан бўлиш, янги технологияларни ўзлаштириш, мустақил равишда ўзлаштириш, етишмаётган билим ёки бошқа ресурсларни излаб топиш ва улардан фойдаланиш қобилияти талаб этилади.

Иктибослар/Сноски/References:

1. Полицейская академия // URL: <https://alexkolos.livejournal.com/1066118.html>.
2. *Важенина И.В.* Специальные полицейские силы Великобритании: история и современность // Труды Академии управления МВД России. 2017. № 3 (43). С. 141-146. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/spetsialnye-politseyskie-sily-velikobritanii-istoriya-i-sovremennost/viewer>
3. Понимание структуры полицейских служб Великобритании // URL: <https://britannia-school.com/ru/uk-police-services-and-emergencies/>.
4. *Нурадинов Ш.М., Касаткин М.Н.* Правовые и педагогические особенности реализации права на образование в ходе подготовки кадров для правоохранительных органов великобритании // Ватник Масковского университета МВД России. № 1 / 2020. С. 27-31. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/pravovye-i-pedagogicheskie-osobennosti-realizatsii-prava-na-obrazovanie-v-hode-podgotovki-kadrov-dlya-pravoohranitelnyh-organov/viewer>
5. Полиция зарубежных стран: система организации и опыт профессиональной подготовки кадров: Учеб. пособие / А.С. Якубов, С.В. Асямов, А.А. Таджиев, Д.М. Миразов. Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2010. С. 185-191.